ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ЛОЙИҲАЛАР УЧУН НАҚД ВАҚФ БИЛАН БОҒЛАНГАН СУКУКНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Tursunov Iskandar Mukhammadievich
PDM, Management Development Institute of Singapore in Tashkent
https://doi.org/10.5281/zenodo.11382287

Аннотация. *Ўзбекистон барқарор ривожланиш сари илдам одимламоқда, хусусан яшил иқтисодиётнинг улушини ортиришга ҳамда барқарор лойиҳаларни молиялаштириш орқали атроф-муҳит ва экологик муаммоларни камайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Экологик барқарор ташаббусларни (лойиҳаларни) молиялаштиришда нақд пул вақфининг Исломий қимматли қоғоз яшил сукук билан ҳамкорликдаги иштироки яшил иқтисодиёт лойиҳаларини молиялаштиришни сезиларли даражада ошириши ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутиши мумкин. Ушбу мақолади нақд пул вақфи билан боғланган сукукнинг (НПВББС) муваффақиятли амалиётларини адабиётларни ўрганган ҳолда Ўзбекистонда жорий этишнинг истиқболлари, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида сўз юритилади.*

Калит сўзлар*: яшил иқтисодиёт, атроф муҳит, барқарорлик, вақф, сукук, нақд пул вақфи, НПВББС.*

Abstract. *Uzbekistan is actively pursuing sustainable development goals, with a particular emphasis on bolstering the green economy and mitigating environmental challenges through financing sustainable projects. Integrating cash endowments into the financing of environmentally sustainable initiatives, in collaboration with Islamic securities such as Sukuk (Green Sukuk), presents a promising avenue for scaling up investment in green economy projects and fostering socioeconomic development. This article examines the prospects of implementing Cash Waqf Linked Sukuk (CWLS) i*
nCWLS.

U КИРИШ

z Сўнги йилларда Ўзбекистон молиявий дунёда, айниқса, экологик тоза лойиҳаларга *b* эътибор қаратадиган яшил молия масаласида катта қадамлар ташламоқда. Ўзбекистон 2019-*a* йилда ўзининг биринчи халқаро облигацияларини чиқариш билан бошлади, 2023 эса илк бор *b* барқарорлик ва яшил лойиҳаларга бағишланган 4,25 трлн сўм миқдоридаги «яшил» суверен *k* халқаро облигациялар ҳамда 660 млн доллар миқдоридаги халқаро облигацияларни Лондон *s* фонд биржасида жойлаштирди. Бу Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг *(* (OECD) эътиборини тортди ва Ўзбекистонни молиявий инновациялар бўйича Марказий *O* Осиёда етакчи деб тан олди. Ўзбекистон Республикаси яшил облигацияларни кўпроқ жорий *n* этишга катта эътибор қаратмоқда, аммо бу нарса катта молиявий ресурсларни талаб қилади. *,* Айниқса, энг катта муаммолардан бири бу энергия тизимидир. Қайта тикланадиган энергияга *a* ўтиш ва уни молиялаштириш хусусий секторни кенгроқ жалб қилишни тақозо этади. Ишларни *e* тезлаштириш учун Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш *d* мақсадларига (БРМ) эришиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Қайта тикланадиган энергия *d* лойиҳаларини молиялаштириш учун Давлат-хусусий шерикчилиги ҳамкорлиги амалга

r
e
s
s
i

оширилмоқда, хусусан Бирлашган Араб Амирликларининг (БАА) Масдар компанияси билан бир нечта йирик лойиҳалар устида ишлар олиб борилмоқда. Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида қуёш электр станциялари, Навоий вилоятининг Томди туманида шамол электр станциясининг биринчи босқичи ишга туширилди. Уларнинг умумий қуввати 2400 МВтни ташкил қилади. Бундан ташқари, Хитойнинг China Gezhouba Group компанияси томонидан Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида умумий қуввати 1000 МВт бўлган иккита қуёш станциясининг биринчи босқичи қурилиши якунланди.

Ўзбекистон барқарор лойиҳаларни молиялаштиришда муқобил молиявий инструментлардан фойдаланиши олдига қўйган мақсадларга янада тез ва самарали етишишда кенг имкониятлар яратади. Муқобил молия тизими сифатида Ислом молиясининг ривожланишига сўнги йилларда ҳукумат даражасида жиддий эътибор қаратилди ва бу борада ислоҳотлар олиб борилмоқда. Республикада Ислом молиясининг жорий этилиши маҳаллий ва хорижий хусусий сектор вакилларининг барқарор лойиҳаларга инвестиция киритиш имкониятларини ошириши мумкин. Ислом молиясининг инструментларидан бўлган сукук (исломий қимматли қоғоз) ва нақд вақф (хайрия мақсадларида пул бериш усули) ҳамкорлиги яшил энергия ва бошқа ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни молиялаштиришда катта ёрдам бериши мумкин. Нақд вақф билан боғланган сукук ҳамкорлигининг муваффақиятли намуналарини Малайзия, Индонезия ва Форс кўрфази каби давлатларнинг амалиётида кузатиш мумкин.

АДАБИЁТЛАРНИ ЎРГАНИШ. ВАҚФ

Вақф сўзи арабча вақафа, яқифу, вақфон сўзларидан олинган бўлиб, ушлаб турмоқ, тўхтамоқ, жойида турмоқ, тик турмоқ маъноларини билдиради.Жисмоний ёки юридик шахс томонидан диний ёки хайрия ёки бошқа яхшиликлар мақсадида берилган мулк. Вақф ҳам кўчмас, ҳам кўчар дахлсиз мулк бўлиши мумкин. Вақф мулки одатда сотилмайди, мерос қилиб олинмайди ёки ҳеч кимга ҳадя қилинмайдиган мулклардир (ер, бино).

Вақфнинг асосий элементлари: Вақф қилувчи, вақф мулки, вақф тури ва вақфдан бенефициарлар(манфаатдорлар).

Турли бенефициарларга (манфаат кўрувчи) нисбатан вақфнинг тўрт тури мавжуд:

айрия вақфи (ал-Вақф ал-Хайрий): Ушбу турдаги вақф бошиданоқ хайрия мақсадларига бағишланган бўлиб, асосий воситаларнинг даромадлари ёки узуфруктлари (бировнинг активидан фойдаланишдан келадиган манфаат, масалан, ижара ҳақи) тегишли равишда доимий равишда хайрия мақсадларига йўналтирилади.

илавий вақф (ал-Вақф ал-Аҳли): Вақф қилувчи оила фаровонлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу вақфдан олинадиган даромад ёки узуфрукт муайян оила аъзолари ва қариндошлари учун мўлжалланган. Бундай шахслар мавжуд бўлмаганда, манфаатлар доимий равишда хайрия ишларига сарфланади.

ирлашган вақф (ал-Вақф ал-Муштарак): Бу оилавий ва хайрия мақсадларининг аралашмаси. Ушбу вақфдан олинадиган даромад ёки узуфрукт доимий равишда икки йўналишда тақсимланади.

зига бағишланган вақф (ал-Вақф 'ала ан-нафс): Бунда, вақф қилувчи тириклигида ўзи учун даромад ёки узуфруктни сақлаб қолади ва вафотидан кейин савоб олиш мақсадида мулкини хайрияга бағишлайди.

Вақфни хусусий шахсларга ёки жамоатга хизмат қилишига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин:

a.Умумий вақф, b. Шахсий вақф

Вақфни асосий активига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

a. Мулкий вақф, b. Корпоратив вақф, c. Нақд пул вақфи

НАҚД ПУЛ ВАҚФИ

Одатда ер, бинолар ёки бошқа мулклар каби моддий бойликларни ҳадя қилишни ўз ичига олган анъанавий вақфдан фарқли ўлароқ, нақд вақф пул ёки ликвид активларни эҳсон қилишни ўз ичига олади.

Хайрия қилинган маблағлар рухсат этилган йўлларга инвестиция қилинади ва бу инвестициялардан олинган даромад турли хил ижтимоий, таълим, соғлиқни сақлаш ёки бошқа хайрия мақсадларини абадий қўллаб-қувватлаш учун ишлатилади.

Нақд пул вақфи шахслар, оилалар, ташкилотлар ёки ҳукуматлар томонидан ташкил этилиши мумкин ва у кенг қамровли ташаббусларни, жумладан, қашшоқликни бартараф этиш, таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва ижтимоий фаровонлик дастурларини қўллаб-қувватлаши мумкин. Нақд пул вақфининг мослашувчанлиги ва соддалиги уни исломий хайрия ва ижтимоий масъулият тамойилларига мувофиқ ресурсларни сафарбар қилиш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун кучли воситага айлантиради. Самарасиз кўчмас вақф мулкларини бошқаришдаги қийинчиликлар ва чекланган вақф маблағлари туфайли пул кўринишидаги кўчар мулкдан фойдаланадиган вақфнинг янги тури ташкил этилди (Исмоил ва бошқ. 2018). Тарихга назар ташласак, нақд пул вақфи ҳанафий мазҳаби олими Имом Аз-Зуфарин томонидан ҳижрий иккинчи асрнинг бошларида жорий қилинган (Муҳаммад, 1997). У пул вақфларини музораба орқали, фойдани ижтимоий мақсадларга сарфлашни тарғиб қилган. Марзуки ва бошқалар (2012) маълумотларига кўра, нақд пул вақфи қашшоқликни 50 фоизгача камайтиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Қолаверса, нақд пул вақфи сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ҳаражатсиз эркин ижтимоий фонд сифатида ўз афзалликларига эга (Алдеен ва бошқ., 2003,2020).

СУКУК

Сукук - бу шариат (Ислом қонуни) тамойилларига мос келадиган, Исломий қимматли қоғозлар ёки Ислом облигацияларидир. Сукук қарз мажбуриятларини ифодаловчи анъанавий облигациялардан фарқли ўлароқ, моддий активларга, лойиҳаларга ёки хизматларга эгалик ҳуқуқини ифодалайди. Сукук эмиссияси инвесторларга асосий актив ёки инвестиция фаолиятига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни яратишни назарда тутади. Инвесторлар активлардан ёки активга инвестициялардан ҳосил бўлган пул оқимидан фойда ёки даромадни даврий тақсимлаш шаклида олишлари мумкин. Қўлланиладиган механизмларга қараб даромадлар собит ёки ўзгарувчан бўлиши мумкин.

Сукук – бу номинал қиймати тенг бўлган сертификатлар бўлиб, улар маълум бир лойиҳанинг моддий активлари, кўрсатилаётган хизматлар, активларга эгалик ҳуқуқининг бўлинмас улушини тасдиқлайди (AAOIFI ташкилоти таърифи).

Ҳар бир жорий қилинаётган сукук қийматга эга активга асосланган бўлиши керак, бу эса ўз навбатида фоиздан (судхўрликдан) сақланиш имконини беради.

Яшил сукук - бу атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатадиган лойиҳаларни молиялаштириш учун фойдаланиладиган исломий қимматли қоғозлар. Яшил сукук анъанавий облигацияларга шариатга мос келадиган муқобилдир ва улар инвесторларга ўзларининг экологик қадриятларига мос келадиган лойиҳаларга сармоя киритиш имкониятини беради.

“ResearchandMarkets” ҳисоботига кўра Глобал сукук бозори 2023 йилда 1021,6 миллиард долларга баҳоланди ва 2029 йилгача 12,6% ўртача йиллик ўсиши билан 2063,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда (https://www.researchandmarkets.com).



Ҳозирги кунда, ҳукуматлар ва корпорациялар инфратузилма лойиҳалари учун капитал жалб қилиш, қарзларни тўлаш ва иқтисодий ривожланишни молиялаштириш учун Сукукга тобора кўпроқ мурожаат қилмоқда. Чунки, унинг активлар билан таъминланган тузилмаси эмитентлар ва инвесторларни қизиқтирадиган шаффоф ва хавфсиз инвестиция йўлини таклиф этади.

МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу мақолада адабиётларни ўрганиш тадқиқот ёндошувидан фойдаланган ҳолда сифатли усулдан фойдаланилди. Асосий диққат турли адабиёт ва мақолалардаги манбалар ўрганилган ҳолда улардаги нақд пул вақфининг сукук билан ҳамкорлигининг ижобий ва муаммоли жиҳатлари ўрганилди ва маълумотлар умумлаштирилган ҳолда хулоса қилинди.

ИНДОНЕЗИЯ ТАЖРИБАСИ

Индонезия ҳукумати Вақфдан миллий тараққиёт равнақи учун ҳам фойдаланаётган давлатлардан бири ҳисобланади. 2018 йилда инновацион ёндашув билан Индонезия ўзининг биринчи нақд пул вақф билан боғланган сукукни муваффақиятли чиқарди, бу эса 50 миллиард рупия йиғди. Маблағлар суверен сукукка инвестиция қилинпган ҳолда ва даромад мамлакат вилоятларидан биридаги соғлиқни сақлаш муассасаларини яхшилаш учун ишлатилади (Мусари, 2019; Пол ва Фауджи, 2020). Индонезия 2020-йилнинг тўртинчи чорагида нақд пул билан боғланган сукукнинг дастлабки эмиссияси муваффақиятидан сўнг ўзининг биринчи чакана пул вақф сукукини чиқарди. Индонезиядаги аҳоли энди миллий тараққиётга ёрдам бериш учун вақтинчалик молиявий вақфлар қилишлари мумкин. Нақд пул вақфи билан боғлиқ сукук (НПВББС) - бу ҳукуматнинг ижтимоий объектларни ривожлантириш дастурига кўмаклашиш учун суверен сукукга вақф маблағларини (нақд пул вақфи) қўйиш механизми. Ушбу НПВББСнинг яратилиши билан хусусий сектор ҳукуматнинг кенг тарқалган имтиёзлар учун давлат объектларини ривожлантиришда фаол иштирок этиши мумкин. НПВББСнинг асосий афзаллиги шундаки, унинг афзалликлари ҳукумат томонидан бошқариладиган жамоат объектларини мустаҳкам бошқарув ва паст хавф чегараси билан таъминлаш орқали кўпайтирилиши мумкин (Индонезия банки, 2020). Индонезия ҳукумати ҳозиргача НВББСнинг иккита алоҳида шаклини чиқарди. Биринчиси, 2020-йил март ойида хусусий жойлаштириш

(CW001) орқали чиқарилган ва институционал инвесторларга қаратилган бўлса, иккинчиси 2020-йил октябрь ойида ишга туширилган ва чакана инвесторларга (CWP001) қаратилган.

Нақд пул вақфи билан боғланган сукук (НПВББС)

НПВББС - нақд пул вақфи бўлиб, унда йиғилган пуллар сукукка инвестиция қилинади. Сукук бу хавфсиз ва хавф-хатарсиз бўлган ислом давлат қимматли қоғозлари (Ясин, 2021).

Нақд пул вақфи билан боғланган сукук схемаси турли-хил тартибда, турли иштирокчилар билан бўлиши мумкин, асосий шартларидан бири шариятга мувофиқ тўғри ташкиллаштиришдир.

Қуйида Индонезияда амалда қўлланилган схема билан танишиб чиқамиз. Индонезия Вақф Кенгашининг маълумотларига кўра, нақд пул вақфи билан боғлиқ сукук беш манфаатдор томонни ўз ичига олади: 1.*Банк Индонезия* сукук ва депозитар банк билан боғланган нақд вақфни амалга ошириш учун тезлатувчи сифатида; 2. *Индонезия Вақф Кенгаши* тартибга солувчи, раҳбар ва сукук вақф билан боғлиқ маблағларни бошқарадиган нозир сифатида; *Молия вазирлиги* қимматли қоғозлар эмитенти ва реал секторда фонд бошқарувчиси сифатида; *Самарали вақф нозири* Индонезия Вақф Кенгашининг вақф маблағларини жалб қилиш бўйича ҳамкори сифатида; 5.*Шариат банклари* нақд вақф олувчи исломий молия институтлари ва Индонезия вақф кенгашининг фаолият юритувчи банклари.

Нақд пул вақфи билан боғлиқ сукукнинг схемаси қуйидагича:



Source: Bank Indonesia (2021); Badan Wakaf Indonesia (2021)

Схемадаги кетма-кетликка изоҳ:

1a ва b: Вақф маблағлари вақф берувчи томонидан хайрия қилинади, бунда унинг танлаш имконияти бор вақтинчалик ёки доимий нақд пул вақфига маблағини йўналтириш. LKS PWU (Исломий банклар) ва Non-LKS PWU (Анъанавий банклар) Нозирнинг маблағ йиғиш бўйича ҳамкорлари, улар нақд пулни вақфи қилувчиларнинг маблағларини қабул қилади.

Нозирнинг маблағ йиғиш бўйича ҳамкорлари нозир (Индонезия Вақф Кенгаши (BWI)) билан меморандум тузадилар ва маблағларни BWI билан жойлаштирадилар.

Индонезия Вақф Кенгаши (BWI) хусусий жойлаштириш механизми билан Молия вазирлигидан сукук ёки давлат ислом қимматли қоғозларини (SBSN) сотиб олади; Сукукга эгалик ҳужжатлари BWIга берилади.

Ҳукумат томонидан нақд пул вақфи билан боғланган сукук (CWLS) эмиссиясидан олинган маблағлар кейинчалик давлат хизматлари учун давлат лойиҳаларини молиялаштириш учун ишлатилади. Ушбу босқичда SBSN маъмури сифатида Банк Индонезия эгалик ҳуқуқини қайд қилади ва SBSN клиринг ва ҳисоб-китоблар билан шуғулланади.

Ҳукумат Индонезия Вақф Кенгаши (BWI)га чегирма ёки купон шаклида даромад тўлайди, у нозирнинг тарқатувчи шерикларига ижтимоий лойиҳалар ёки тадбирларни молиялаштириш учун тақсимланади. Инвестиция бошида олинган дастлабки чегирма диний мактаб, соғлиқни сақлаш клиникаси ва ижтимоий инфратузилма каби вақф активини ривожлантириш учун ишлатилади.

Биринчи CWLS сериясидан олинган *чегирма* тиббий асбоб-ускуналар ва Серанг, Бантен шаҳридаги кўз касалхонасини қуриш учун ишлатилган (Индонезия банки, 2021). Биринчи CWLS сериясидан олинган *купон* Бантеннинг Серанг шаҳридаги кўз касалхонасининг операцион харажатларини қоплаш учун ишлатилган. Вақти-вақти билан олинадиган купон этимлар ва камбағалларга қаратилган, бепул соғлиқни сақлаш, пирамиданинг пастки қисмидагилар (қуйи, муҳтож қатлам) учун иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва бошқа ижтимоий дастурларни (Ушбу дастурлар таълим, руҳий саломатлик, жамиятни ривожлантириш ёки ижтимоий қўллаб-қувватлаш тармоқлар) амалга ошириш учун ишлатилган.CWLS-га инвестициялар рақобатбардош даромад келтиради, чунки BWI солиқдан озод қилинган (Индонезия банки, 2021; Индонезия Вақф Кенгаши (BWI), 2021).

Муддати тугагач, Молия вазирлиги нақд пулни BWIга қайтаради, бу эса вақтинчалик нақд вақфни Нозирга (белгиланган шериклар орқали) қайтаради, улар уни вақтинча вақф қилишни танлаган донорларга қайтаради ёки доимий нақд вақф бўлган тақдирда у BWI томонидан бошқарилади. (Индонезия банки, 2021; Индонезия Вақф Кенгаши BWI, 2021).

Ушбу CWLS тузилмасида донорлар ўз инвестицияларидан молиявий даромад олишни танлашлари мумкин ёки агар улар нақд вақфни доимий қилишни танласалар, асосий суммадан воз кечишлари (қайтариб олмайди) мумкин. Донорларнинг мақсади асосан маънавий мукофот, садақаи жория қилишдир. Хайрия қилинган нақд пул Индонезия ҳукумати томонидан давлат инфратузилмасини яхшилаш ва бошқа қулайликларни таъминлаш учун белгиланган Сукук лойиҳаларини молиялаштиришга сарфланди ва тушумлар бенефициарлар манфаати учун вақф активларини ривожлантиришга сарфланди/сарфланади (Ҳосен ва бошқалар, 2022; Маулина,

“ВАҚФ” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ

Фонд 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси президенти Фармонига асосан, “Вақф” хайрия жамоат фонди сифатида ташкил этилган. Фонднинг асосий вазифалари; Фондга келиб тушган маблағлар масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, диний таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мутахассислари ва ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби бир қатор ишлар учун сарфланади. Фондга маблағлар ихтиёрий равишда фарз бўлган ёки саҳоват

маблағлари кўринишида ўтказиб беришлари мумкин. Ҳозирги вақтда фонд хайрия маблағларни одамлар қийинчиликсиз ўтказишлари учун электрон тўлов тизимларига уланган. Замонавий Ислом молиясида вақфнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ўрни ва вазифалари жуда кенг ва самаралидир.

Вақф хайрия жамоат фонди Ўзбекистон Республикасида вақфлар фаолиятини тартибга солувчи асосий орган сифатида, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан Нақд пул вақфи билан боғланган Сукук инструментини жорий этиш орқали барқарор ижтимоий инфратузилмаларни молиялаштириш, давлат-хусусий шерикчилик ўртасидаги ҳамкорликка замин яратишда янги инновацион ечимлар бериши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА НАҚД ПУЛ ВАҚФИ ВА СУКУК ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон, Марказий Осиёдаги аҳоли сони жихатдан (37 млн.ортиқ) энг катта бўлган ривожланаётган давлатдир. Аҳолининг 90-95 фоизидан кўпроғини мусулмонлар ташкил этадиган Ўзбекистонда Ислом молия муассасалари ташкил этиш учун етарли эхтиёж ва улкан имкониятлар мавжуд.

Ислом молияси - шерикчиликка асосланган, актив билан таъминланган, ахлоқий, барқарор, атроф муҳит ва ижтимоий масалаларга нисбатан масъулиятли бўлган молиявий тизимдир. Ислом молиясининг жорий этилиши аҳолига ва хусусий сектор вакилларига муқобил молиявий инклузивликни тақдим этиши орқали, ишбилормонлик муҳитининг янада ривожланишига, молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилишида муҳим ўрин тутиши мумкин.

Ўзбекистон инвестицияларни жалб қилиш ва барқарор ривожланишни рағбатлантиришнинг турли йўлларини, жумладан, яшил молиялаштириш ташаббусларини илгари сурмоқда. Мамлакатнинг молиявий секторни диверсификация қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш истагини ҳисобга олсак, келажакда нақд пул вақфи ва сукукнинг кенг имкониятлари бу борада янги инновацион ечимларни таклиф этиши мумкин.

Ислом молиясининг жорий этилиши Форс кўрфази араб давлатларидан инвестияларнинг кириб келиши имкониятларини ошири ҳамда маҳаллий ишбилормонларнинг ўз маблағларини истиқболли лойиҳаларга сукук қимматли қоғозлари орқали жойлаштиришлари мумкин.

Ҳар ким ҳам ер ёки бирор кўчмас мулкни вакф қила олмаслиги мумкин, бундан ташқари ер ва бинолардан самарали фойдаланишда ўзига яраша муаммолар бўлиши мумкин аммо нақд пул вақфининг оммалашуви аҳолининг имкониятлари даражасида хайрли ишларга ўз маблағларини сафарбар қилишига имкон яратиши мумкин.

Индонезия тажрибасини қўллаш ва уни яқиндан ўрганиш Ўзбекистон манфаатлари учун ҳам хизмат қилиши билан бир қаторда мамлакатнинг иқтиосдоий барқарорлигини таъминлашда янада самарали инновацион йўллардан бири бўлиши мумкин.

ТАВСИЯЛАР ВА ХУЛОСА

Ўзбекистонда Ислом банкчилиги тўғрисидаги қонун қабул қилиш ва тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан Фуқаролик кодексига, Солиқ кодексига ва Банклар тўғрисидаги қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш жараёнини тезлаштириш. Ислом банк иши ва молия тизимини ривожлантириш мақсадида Ислом молия кенгаши ташкил этиш. аҳолининг молиявий саводхонлигини, шу жумладан ислом молия тизими соҳасидаги тушунча ва билимларини шакллантириш ва ошириш борасида амалий ишлар олиб бориш зарур. Ўзбекистоннинг экологик мақсадларига мос келадиган яшил лойиҳаларни аниқлаш ва устуворликларини белгилаш учун манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилиш лозим.

Шариат тамойилларига риоя қилган ҳолда ва тасдиқланган яшил лойиҳаларга маблағ ажратилишини таъминлаган ҳолда шаффоф сукук чиқариш жараёнини амалга ошириш муҳим. Ислом молия тизимини татбиқ қилиш шунингдек ҳукуматга “яшил” сукуклар чиқариш орқали атроф муҳит ҳимояси билан боғлиқ эко-лойиҳаларни молиялаштириш учун нафақат маҳаллий, балки хорижий сармоядорлар ва молия муассасалари маблағларини ҳам (хусусан мусулмон мамлакатларидан) жалб қилиш мумкин. Ўзбекистонда аҳоли ва тадбиркорлар томонидан закот ва вақф учун маблағ ажратишга бўлган иштиёқ жуда баланд. Бу эса ушбу соҳада ишончли, шаффоф ва самарали тизим бўлишини тақозо этади. Шу билан бирга, жамиятда закот ва вақф борасидаги тушунча ва билимларини ошириш, ислом ижтимоий молияси афзалликларини тарғиб қилиш аҳоли ва бизнес тарафидан ушбу мақсадларга янада кўпроқ маблағ ажратилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида барқарор ривожланиш доирасида турли ижтимоий лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларини оширади.

Шу билан бирга, Вақф хайрия жамғармасига Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш ва ҳамкорлик қилиш имконини берувчи тафовутларни бартараф этиш учун амалдаги вақф қонунлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш киритиш зарур. Бу Вақф хайрия жамғармасига вақф активларини секюритизация қилиш, рақамлаштириш ва ундан сукук чиқаришни Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига топшириш имконини беради.

Бу борадаги ислоҳот, шунингдек, исломий ва анъанавий молия институтлари билан НПББСни сотиш ва ундан тушган даромадларни Ўзбекистонда йиғиш бўйича ҳамкорлик қилиш имконини бериши мумкин. Ислоҳотлар Вақф хайрия жамғармасига Ўзбекистон бўйлаб вақф активларини максимал даражада яратиш ва улардан фойдаланиш имкониятини беради ҳамда НПББСнинг ривожланиши ва ҳаётийлиги учун ҳам муҳимдир.

REFERENCES

Beirut: Dâr Ibn Hazm.

smail, C. Z., Muda, S., and Hanafiah, N. J. A. (2014). Challenges and Prospects of Cash Waqf Development in Malaysia. Journal of Basic and Applied Scientific Research, 4(2), 340–348.

smail, M. A. M., & Masih, M. (2015). Causality between financial development and economic growth, and the Islamic finance imperative: A case study of Indonesia.

4. Mohd Marzuki, M. U., Shahimi, S., Ismail, A. G., & Embong, Z. (2012). Tackling Poverty: A Look at Cash Waqf. In Prosiding Perkem Vii (Vol. 2, pp. 1611–1623).
5. Aldeen, K. N., Ratih, I. S., &. Herianingrum, S. (2020). Contemporary issues on cash waqf: A review of the literature. International Journal of Islamic Economics and Finance (IJIEF), 3(2), 119- 144. DOI: https://doi.org/10.18196/ijief.3236
6. Faudji, R., & Paul, W. (2020). CASH WAQF LINKED SUKUK DALAM OPTIMALKAN PENGELOLAAN WAKAF BENDA BERGERAK (UANG). Jurnal Ilmiah MEA (Manajemen, Ekonomi, & Akuntansi), 4(2), 331-348.
7. Indonesia, B. (2020). Laporan Ekonomi dan Keuangan Syariah Tahun 2019. Jakarta: Bank Indonesia Retrieved from https://www.bi.go.id/id/publikasi/laporan/Documents/LaporanEkonomi-dan-Keuangan-Syariah-2019.pdf.

asin, R. M. (2021). Cash Waqf Linked Sukuk: Issues, Challenges And Future Direction In

Indonesia. Jurnal Ekonomi Dan Bisnis Islam (Journal of Islamic Economics and Business), 7(1), 100. https://doi. org/10.20473/jebis.v7i1.24818
akhongir Imamnazarov (2020). Ислом молия маҳсулотларини Ўзбекистонда татбиқ қилиш в
10. aHosen, M.N., Maulana, A., Farhand, M.Z. & Rahman, M.H. (2022), 'Evaluating the fundraising process of the world's first cash waqf-linked sukuk in Indonesia', Qudus International Journal of Islamic Studies, Vol. 10 No. 1, pp. 175–214.
11. ўhttps://finance.yahoo.com/news/global-sukuk-industry-report-2024-153200621.html?guccounter=1&guce_referrer=aHR0cHM6Ly93d3cuZ29vZ2xlLmNvbS8&guce_referrer_sig=AQAAAKw6u1495QOq-aZoJjM8KUtFpfFFOFGPPj55y7tDKp9Jeenhfw2MvPP9SrZJIa9Tj-MiEynDNvk3sSUur91Rk8Ns17wfRaph3kCnoA2P0bGTLN1PmDAnPkR8F_dDRhBc2J79mhEcU50PD0LW5UUTVQbRPsahk3zoHDvKb0rBgm_v
12. https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/3366
13. https://invest.gov.uz/ru/mediacenter/news/new-investments-of-masdar-in-the-energy-sector-of-uzbekistan/

с и д а н ў т к а з и л г а н

т а д қ и қ о т

н а т и ж а л а